

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 217-ҳадис

217 - عَنْ الْعَلَاءِ بْنِ الْحَضْرَمِيِّ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «لِلْمُهَاجِرِ إِقَامَةٌ ثَلَاثٌ بَعْدَ الصَّدْرِ بِمَكَّةَ»، كَأَنَّهُ يَقُولُ لَا يَزِيدُ عَلَيْهَا.

[خ 3933، م 1352، ت 949، س 1455، د 2022، ج 1073].

Абдуррахмон ибн Хумаиддан ривоят қилинади:

«Умар ибн Абдулазиз Соиб ибн Язиддан: «Маккада туриш ҳақида бирор нарса эшитганмисиз?» деб сўраганини эшитдим. Соиб: «Ало ибн Ҳазрабийнинг шундай деганини эшитганман: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Муҳожир қайтиб келгач, Маккада уч кун туриши мумкин»**, деганларини эшитганман. Гўё бундан кўп қолмайди дегандек эдилар», деди».

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Манба: hadis.islom.uz

